
Таъмирлаш ишлари сабабли эртага туманинг айrim ҳудудларида
электр таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади

“Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖНИНГ тегишли хабарномасига асосан, эртага 2023 йил 15 июн куни 35/10 кВли “Хотамтой” нимстанциясининг Т-1 трансформаторида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Шу боисдан, мазкур нимстанциядан таъминланувчи 10 кВли "ТП-400", "Давлатботир" ҳамда истеъмолчи тасарруфида бўлган "Умид" хаво узатмалари орқали электр энергиясини етказиб бериш вақтинча тўхтатилади. Айни узатмалар орқали электр энергияси билан таъминланадиган **Давлатботир, Нурли Келажак, Қораёзбобо** ҳамда **Хотамтой** маҳаллаларидағи истеъмолчиларнинг электр таъминотида эртага, **15 июн куни соат 09:00 дан 17:00 гача** вақтинчалик узилиш бўлиши кузатилади.

Хурматли истеъмолчилар! Юқорида кўрсатилган вақт давомида зарур эҳтиёт чораларини кўришингиз лозимлигини эслатган ҳолда, келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси
Мурожаат учун телефон:  (95) 402-13-52, (73) 539-16-03

2023-06-14 19:23:55